

# Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

18 март, сешанба, 1997 йил  
Сотувида эркин нархда. № 59 (1576)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 март куни Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси Раиси Мустафо Калемлини қабул қилди.

Президентимиз Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик ва қон қардошлик ришталари қадим тарихга бориб тақалишни қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бугунги кунда ҳам жадал суръатларда

ривожланаётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон айни вақтда жаҳондаги деярли барча мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйган. Аммо Туркия Республикаси улар орасида алоҳида ўрин тутadi, — деди Ислам Каримов. — Хусусан, ўтган йили Президент Сулаймон Демирал жанобларининг юртимизга ташрифи чоғида имзоланган абадий дўстлик тўғрисидаги шарҳнома ўзаро муносабатларимизни янада мустақамлаш

йўлида муҳим воқеа бўлди.

Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси Раиси Мустафо Калемли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётганини эътироф этаркан, уларни янада ривожлантиришда ҳар икки давлат парламентарлари ҳамкорлиги муҳим ўрин тўғрисида таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси Умур Апайдин ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТҮРАЕВ тасвирга олган.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Буюк Миллат Мажлиси Раиси Мустафо Калемли 17 март куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентарлари алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси Умур Апайдин ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

## ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИ ГРАНТЛАРИ

Республикаимизда фаолият кўрсатаётган тиббиёт йўналишидаги бешта ташкилот ҳамда ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кўёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига асбоб-ускуналар харид қилиш ва фаолиятни ривожлантириш учун Япония ҳукумати грантлари ажратилди. Уларнинг умумий қиймати 400 минг АҚШ долларидан ошди.

Тошкентда, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрият жамғармасида шу ҳақда битим имзоланди. Бу грантлар Япониянинг «Кичик қўламли иқтисодий ёрдам» ҳукумат дастури доирасида ажратилди. Мазкур дастур бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда муруват лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. «Соғлом авлод учун» жамғармаси Ўзбекистон томонидан грантларнинг бўлажақ эгаларини аниқлайдиган асосий ҳамкордир.

Шу пайтгача Нукус ва Чирчиқ туғуруқхоналари, Тошкентдаги болалар руҳий-неврологик касалликлари шифохонаси ана шундай мадал олган. Бу гал грант ажратилган тиббий муассасалар орасида Нукус юқумли касалликлар шифохонаси, Тошкент шаҳридаги «Она ва бола» маркази, «Уми» ногиронлар саломатлигини тиклаш маркази ва бошқа ташкилотлар бор.

Битимни имзолаш чоғида бундай талбирларни ҳар йили ўтказишга қарор қилинди.

Битимни имзолаш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Коичи Обата иштирок этди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси бошқарувининг қўшма мажлиси бўлди. Уни адлия вазири С. Мирсафоев ва адвокатлар уюшмаси вице-президенти Т. Тожиев бошқарди.

Қўшма мажлисда 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни мустақил республикаимизда инсон ҳуқуқларини янада пухта ҳимоя қилиш йўлида қўйилган муҳим қадам эканлиги, бу қонун адвокатлар мустақиллигини таъминлаш билан бирга уларнинг дахлсизлигини кафолатлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-сонли қарори билан тасдиқланган «Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидаги ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Фўқаролариға адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги низом муҳокама қилиниб, уни ҳаётга таъбиҳ этиш борасидаги чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси томонидан тақдим этилган, зарур бўлимга ва касб малакаларига эга бўлган шахсларға адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида тузилган малака комиссиялари тўғрисидаги низом, малака комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш, уларнинг иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги олий малака комиссияси тўғрисидаги низом ҳамда тенд миқдордаги адвокатлар ва адлия ходимларидан тузилган олий малака комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқланди.

Қўшма мажлис Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси тасвир сьезини қақришга тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида тавсияномалар берди.

(ЎЗА).

## ЭЪТИБОР КАМЧИЛИКЛАРГА ҚАРАТИЛДИ

Сурхондарё вилояти фаолларининг мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасида ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий тарақиёт яқунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларға бағишланган йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими Ж. Норалиев шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар ижтимоий-иқтисодий тарақиётни ривожлантириш борасидаги ишларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, асосий эътиборни йўл қўйилган ҳато ва камчиликларға қаратди. Жумладан, вилоятда иқтисодий ислохотларнинг бориши талаб даражасида эмас. Чет эл сармоясини жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил этишга етарли эътибор берилмапти. Санаят моллари ишлаб чиқаришнинг камайиши қузатилмоқда. «Сурхонсанова» концернига қарашли гишт заводлари қувватидан тўлиқ фойдаланилмапти. Шеробод керамика заводи ишлаб чиқараётган кулолчилик маҳсулотлари оմборларда тўғланиб қолган. Ҳисоб-китоб ишларидаги қалқашликлар барҳам топмапти. Масалан, ҳисоботда юз минг гектарға яқин галлазор уч марта суғорилган деб маълумот берилган. Аммо текширишлар вақтида эса бунинг акси бўлиб чиқди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ч. ТУХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

**УШБУ СОҲДА:**

2-бет.

**ПОҚАЙДИК**

Гапнинг очиги, Жиззах вилоятидаги айрим суғурта идораларида ўтирган ҳисобчилар, тафтишчилар, йўриқчилар бугун нима иш билан шуғулланаётганиларини кўпчилик билмайди

3-бет.

## МИЛЛИЙ БАНК: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда банкнинг 1996 йилдаги ишлари яқунлари чиқарилди ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 февралдаги мажлисида Президент Ислам Каримов сўзлаган нутқи асосида 1997 йилги вазифалар белгиланди.

Миллий банк бошқаруви раиси Р. Азимов маърузаси ва мажлис иштирокчиларининг нутқларида 1996 йил қизгин ишлар йили бўлгани, бу даврда банк барқарор ривожланиб, бозор иқтисодиётига изчиллик билан ўтаётгани қайд этилди. Умумий баланснинг кўпа-

йиб, 1,8 миллиард АҚШ долларидан 3,4 миллиард долларга етгани, шунингдек, низом, суғурта, заҳира ва бошқа жамғармалари ошгани ўтган йили миллий банк барқарор ривожланганини кўрсатмоқда.

«Эрнст ва янг» компанияси ўтказган халқаро тафтиш ҳам миллий

банк фаолияти кўрсаткичларини тасдиқлади. Бу -- банк халқаро банклар орасида жаҳондаги энг тез ривожланаётган ва ишончли банклардан бири сифатида ўз юксак обрўсини сақлаб қолишга имкон беради.

Ҳозирги пайтда миллий банк хорижий молия ташкилотлари томонидан

тақдим этилган ва мамлакат иқтисодиётини таркибий қайта қуришни таъминлайдиган сармоя билан боғлиқ лойиҳаларға кредит ажратилган бўлишига хизмат қилмоқда. Банк умумий қиймати 2,77 миллиард долларлик 74 лойиҳани маблағ билан таъминламоқда. Уларға 2,35 миллиард долларлик кредит берилмоқда. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳар йили қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ишга ту-

шириш ва экспорт маҳсулотлари ҳажминини кўпайтириш имконини беради. Умумий қиймати 2,2 миллиард долларни, кредит миқдори 1,6 миллиард долларни ташкил этадиган яна 97 лойиҳа экспертизадан ўтмоқда. Бу лойиҳаларни маблағ билан таъминлашни шу йилдаёқ бошлаш назарда тутилмоқда.

Мажлис ишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Молия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.

(ЎЗА).



## СИРДАРЕ САНАМЛАРИ

Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳожа Абдухалилова олдани мустақамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, ижтимоий ҳимоялаш, аёлларимизга таъбиркорликда бўлаётганини кўпчилик фаолиятининг асосий дастурлари ҳисобланади, дейди.

4-бет.

ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО

5749

77403

774

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги «Ўзбекистон» қоракўчилик-наслчилик жамоа ширкат ҳўжалигида ҳисори қўйчилик ва Ангор эчкичилигини ривожлантиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда вилоят туманлари ҳокимлари, чорвачиликка ихтисослашган ҳўжаликларнинг раҳбарлари, илғор чўпонлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги мутахассислари қатнашди.

Семинарда қоракўчилик, қўй ва эчкилар наслдорлигини яхшилаш, улар сонини кўпайтириш, қўзлатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Кенгаш қатнашчилари мазкур ҳўжаликда бу борада ортирилган иш тажрибаси билан танишди.

Кенгашда вилоят ҳокими О. Пармонов сўзга чиқди.

А. ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

## ОСТАНАДА...



## ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎ

Ўтган яқинба кун бир юмуш билан шаҳарни айланишга, кўп жойларға боришга тўри келди. Шу пайтгача иш, ташвиш билан бўлиб, пайқаман эканман: дов-дархатлар аллақачон уйғона бошлади. Йул четидиғи майсалар ниш уриб, ерни буткул қоплабди. Шаҳар четидиғи даладарда иш қизгандан-қизибди: одамлар қулупнайзорларни ўт-ўланлардан тозалашапти. Дархатлар ярим белгача оқланибди. Корхона, ташкилот идораларининг олди гажум: ҳашар ташкил қилинган. Кўча-кўй, маҳалла гузарлари супуриб-сидирилган. Амир Темур хиббони олдиғи «Буратино» ошонаси, Марказий

банк, метронинг «Мустақиллик» бекати олдида қад ростиётган янги биноларға энг сунги пардозлаш ишлари олиб борилапти. Курувчилар ун Наврўз -- янгиликни, уйғониш фаслининг ялқ кунига таъбирлаш ниётида. Бундай янги биноларни нафақат Тошкентда, балки мамлакатимизнинг истаган туман ва шаҳарларида учратиш мумкин. Zero, улар жуда кўп...

Пойтахтимизда бунёд этилган, қад ростиётган янги ва муҳташам биноларни кўриб, ўтган йилнинг октябрь ойи -- таъби чоғида Алматы ва Бишкек шаҳарлариға қилган саёҳатимизда бўлган бўлди. Алматы ҳам Бишкек ҳам бир-биринан

қолишмайдиган гўзал ва бетакрор шаҳарлар сирасига кирди. Иккиси ҳам шунлоқ тоғнинг этагида жойлашган. Мен шаҳарларни айланиб, асосан, «ДЭУ» автобуслари тибор қаратдим: Бишкекда ҳам, Алматыда ҳам, негадир Тошкентдагидек кўп ва йирик қурилиш ишлари бораётганини пайқолмадим. Иккинчи эътибор қаратган нарсам, шаҳар жамоатчилик транспорти бўлди. Тошкент кўчаларида тинимсиз қатнаётган «Шкода» -- янги чет трамвайи, троллейбуслари, «Мерседес», «ДЭУ» автобуслари, Туркиянинг «Доған», Ўзбекистоннинг «Нексия» маркази таксилари, «Дамас» ва «Тико» автомашиналариға кўникиб қолган

кўзларимға Алматы ва Бишкек кўчалари сал бошқачароқ кўринди. Очиги, суюндим, кўксим гурур ва ифтихорға тўлди...

Пойтахтнинг Сирғали, Миробод, Чилонзор, Ҳамза туманларини айланаман. Кўчалар ва бинолар аллақачон Наврўз либосига ўранишға ўлғурибди. Алвон гуллар тасвири туширилган ранг-тасвирлар, баҳорий кайфият уйғотадиган шнорлардан кўз қувонади. Шунда кузининг чирик ҳазонлари тарқатган ачимтир ҳиди, қишининг узун қуллари пайдо бўлган аллақандай қарахонлик қалбингиздан сидирилиб тушгандай, унинг ўрни-

яшайди. Кўкатларнинг пайдо бўлиши ҳам, сумалак ҳам омонлик ва тўқинлик белгисидир. Наврўз табият учун ҳам, инсон учун ҳам янгиликнинг фаслидир.

Қишлоқларимизда Наврўзни янада бошқача -- далада, табият кўйида кутиб олишди. Бойчечак ерни ёриб, буй кўрсатган кун улар учун Наврўз. Бойчечакни кўрган, топган бола уни шошганича момоси ёки босига тутқазди. Момо бойчечакни боласи, неварасининг пешонасига суртиб, аввал хонадонига, кейин бутун юртға омонлик, деҳқоннинг ишига барака тилайди. Янаги йилнинг шу кунига эсон-омон кўришиликни Яратқандан сураб, илтижо қилади, юрт пешоворининг хайрли ишларига ривож тилайди...

Ер юзида Наврўз каби узоқ давом этадиган, барча-барча хуш-хандон кутиб оладиган, ҳақиқий сайёга айланадиган байрам йўқ. У бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, миллатнинг фахри, кўркига айланганга ўлғурган. Шу боис совет тузуми даврида бизни Наврўздан -- ўзигимиздан айирмоқчи бўлдилар. Улар Наврўзни миллатимизнинг айрилмас бир бўлагига айлантирилганини теран ҳис қилардилар. Бизни Наврўздан ажратишлари танамизнинг бир аъзосини кесиб ташлаш билан баробар эди. Лекин улар Наврўзни бизнинг қалбимиздан, рўҳимиздан ажратиш асло мумкин эмаслигини англамадилар, англаган тақдирда ҳам тан олтилар келмади...

(Давоми 2-бетда).

ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ

(Давоми. Боши 1-бетда). Мамлакатимиз мустақиллик эришгандан кейин Наврўз янада янги маъно ва мўҳит касб эта бошлади. Унинг минг йиллик аъна ва андозалари қайтадан тикланди...

қўйда етим-есир, ночор ва муҳтожлар ҳолидан хабар олинмоқда. У тобора хайр-эҳсон, меҳр-мурувват ва савҳат байрамга айланиб бораёпти. Ён-атрофдаги ўзгаришларни кўриб, ер, дов-даракларнинг уйғонаётганини ҳис қилиб, кўнгил қанчалик ҳузур қилмасин...

ҳар бир фуқаро, хонадон ҳис қилади, ундан баҳраманд бўлади, деган гапдир. Яқинда сафардан қайтаётиб, узоқ юртларга юк ташийдиган бир ҳайдовчи билан шерик бўлиб қолдим. Ҳайдовчи халқи, олатда камгап бўлади. Йўл-йўлакай уни гапта солдим. У бир ҳақ гапни айтди: — Ака, ҳамма оғизга келганини гапирвереди...

ганини ҳали кўрганим йўқ, Икки-уч йил келмаган одам Тошкентда ханг-манг бўлиб қолиши ҳеч гап эмас... У на сиёсатчи, на раҳбар -- оддий ҳайдовчи эди. У самимий ва рост сўзларди. Шу юртда яшаётганидан ошкора гурурланарди. Ҳаёлимда: «Қани, ҳамма шундай бўлса эди», деган ўй келди. Наврўз бу миллий гурур дегани ҳам. Ютуқлардан гурурланадиз, миллат ва юрт шаънини улуғлаш ҳар биримиз учун оддий ҳолга айланмоғи керак. Шундагина биз дунёга чиқамиз, овозимиз баланд-баландларга етади...



Яқшанба куни шаҳар, баъзан унинг четроғини айланлиб, ҳаёлимдан ана шулар келди. Ва уни оқизмай-томизмай қозоғга туширдим. Ёнги нафас олиб, деразадан ташқарига тикиламан. Қўшимизнинг ҳовлисида қайсилар дарахт гуллай бошлади. Беихтиёр ҳаёлимга Ҳамид Олимжоннинг ёд бўлиб қолган икки сатри келди:

Деразамнинг тағида бир туп Урик опшоқ бўлиб гуллади... Наврўз муборак халқим, дейман. У Сизни, юртни йил бўйи тарқ этмасин, дастурхонимизга ризқ-рўз, бароқа олиб кирсин, дейман... Сал ўтмай туриб, ёмғир ёғди. Ёмғир баракот, дегани. Исмаил ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

НАВРЎЗ ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Наврўз -- табиятнинг уйғониш ибтидоси, Шарқ халқларининг азалий ва боқий байрами, кишиларни эзгуликка, покликка ҳамда фаолликка қорловчи, ҳар қандай мафқурадан холи шодиёна. Наврўзнинг ана шундай эзгу сифатлари юксак савияда ўз ифодасини топган, мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида кечаётган улғувор ва бунёдкорона жараёнлар нафаси уфуриб турган мақолалар (лавҳа, репортаж, фотолавлар) «Наврўз -- Боқий Байрам» танловига таклиф этилади. Голибларни қуйидаги мукофотлар кутади: Энг яхши таҳририят учун (битта) -- энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорда. Энг яхши мақола учун: Биринчи мукофот (битта) -- энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорда.



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

ГАГА. Европа Иттифоқи (ЕИ) Тожикистон ҳукумати ва Тожикистон бирлашган муҳолифати ўртасида ўтказилган музокаралар натижасини қўллаб-қувватлади. Тожикистондаги тотувлик бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги учун гоёта аҳамиятлидир, деб таъкидланади ЕИнинг баёнотида.

КЕЧИРИМ СЎРАДИ

СИНГАПУР. Сингапур Бош вазири де-вонининг катта вазири Ли Куан Ю. Халқаро доирада Малайзия обрўсига путур етказиши мумкин бўлган баёноти учун ушбу мамлакат ҳукумати ва халқидан расман кечирим сўради. Маълум бўлишича, Сингапурдаги обрўли сиёсатчиларидан бири бўлмиш Ли Куан Ю. судга тақдим этилган махфий ҳужжатлардан бирида Малайзиянинг Жохор штатини «бетиним отишмалар, қароқчилик ҳамда машина ўғирлаш авжига чиққан штат», деб баҳолаган. Лекин кўп ўтмай мазкур ҳужжатдан Малайзия жамоатчилиги хабар топди. Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги шу муносабат билан расмий норозилик билдиргандан сўнг, Ли Куан Ю. Малайзияликлардан узр сўрашга мажбур бўлди.

«КАМОЛОТ ЮДУЗИ»

Андижон вилояти «Камолот» жамғармаси янги ишчи ўринлари яратишда ёшларнинг яқин кўмакчиси бўлмоқдалар. Яқинда жамғарма қошидаги «Камолот юдузи» фирмаси томонидан аҳолига хизмат кўрсатувчи маиший хизмат шохбачалари қурилиб ишга туширилади. Улар орасида «Телевизор тузатиш устaxona»си, «Сартарошхона», «Тикувчилик», «Озиқ-овқат» ва «Кийим-кечак» дўконлари бор. Шуниси эътиборга лойиқки, бу ишоотлар Анджион туманининг қушлоқ аҳолиси яшайдиган ҳудудда барпо қилинди.

ОТАСИНИНГ АСЛ ЎФИЛЛАРИ

«Миробод» савдо ишлаб чиқариш фирмасига қарашли уй-рўзгор буюмлари дўконининг аҳолига кўрсатаётган хизматида барча мамнун бўлмоқда. Бу ерда 30 йиллик савдо тажрибасига эга бўлган Қирғизвой ҳожи отанинги ўғиллари хизмат қилмоқда. Бу дўкондан эҳтиёж учун зарур бўлган рўзгор буюмларидан тортиб, замонавий мебелларга чадунга қадар қўлингиз мумкин. Катта сотувчи Қодиржон Қозоқовнинг ҳушумомалалиги, очиб чедралигидан харидорлар хурсанд. Бу бир-бирдан чакдон, тadbиркор йиғитлар отасининг асл ўғиллари бўлиши, дея уларни алқашмоқда. Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА, «Андижоннома» газетасининг бўлим муҳбири.



ЛОҚАЙДЛИК

Галнинг очиги, Жиззах вилоятидаги айрим сугурта идораларида ўтирган ҳисобчилар, тафтишчилар, йўриқчилар бугун нима иш билан шуғулланаётганлигини кўпчилик билмайди. Вилоят давлат сугурта бошқармасида бўлганимизда шундай ҳулосага келдик. Болзор иқтисодиёти шарафига ушбу тизимда гўё ҳали ислоҳот рўй бермагандек. Сугуртачилар ҳамон Молия вазирлигининг 1993 йилдаги йўриқномаси асосида иш олиб боришаёпти. Кейинги уч йил ичида ҳаётимизда, меҳнат жамоалари фаолиятида содир бўлган ижобий ўзгаришлар соҳа ишида бирон-бир аксини топмабди. Вилоят ва туманларда қушлоқ хўжалик корхоналарини мажбурий сугуртага тортиш билан ўн уч мутахассис кечачо-қуноқда машгул. Аммо қонқиш ҳосил қиладиган натижа йўқ. -- 1995 йилнинг биринчи январидан хўжалик ҳисобида ишлаётимиз, -- дейди бошқарма бошлиғи Умрзоқ Олдоназаров. Фикри оқимизча, хўжалик ҳисоби, дегани «ўзини ўзи боқиб» деган маънони англатади. Узини боқиб учун эса жамоанинги ўзи маблаг топиш керак. Бундай маблаг сугурта идорасида йўқ. Ҳаттоки, хўжаликлардан тушадиган бадаллар ҳисобидан республика бош бошқармаси ва ўзлари учун алоҳида ўн фоизлик захира жамғармаси тўплашни ҳам узда қилишмоқдалар. Эски ҳам ом, эски тос, деганларидек, сугуртачилар эртаю-кеч идорадан чиқмай насия ҳисоб-китоб юритиб чўт қоқиб ўтирибдилар. Суҳбатлашганимизда аксарият раҳбарлар «давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож», «имтиёзли кредитми, суудами беришмасан бўлмас-ю» дейишди. 1994 йилда табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларга тўлаш учун бош бошқармадан ўн миллион тўрт юз минг сўмлик есуда берилган ҳам эди. Шунинг салкам тўққиз ярим миллиони ҳалигача эгасига қайтарилган эмас. Идоралагилар йўқ нарсани ҳисоб-китоб қилиб ўтиришибди, леда. Бу гапда жон бор. Мисол учун, 1995 йилда вилотдаги 140 та қушлоқ хўжалик корхонаси 88,5 миллион сўм атофида сугурта бадални тўлаши лозим эди. Шундан сугурта идоралари ҳисоб рақамига бори-йўти икки миллион икки юз йигирма саккиз минг сўм банк орқали келиб тушган. Аини пайтда турли табиий важ-воқеаларга кўра зарар кўрган хўжаликларга қарзини тўлаш ўрнига «сугурта бадалларини ўз вақтида ўтказмаганинг учун» деб, 1995-96 йиллар учун қушлоқ хўжалик корхоналарига 14 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда жарима ҳам солибди. Қаррани би-

АВТОБУСНИ ЎҚҚА ТУТДИ

ТЕЛ-АВИВ. Иорданиялик аскар мактаб ўқувчиларини олиб кетаётган Исроил давлатига қарашли автобусни тўсатдан ўққа тутуши натижасида етти киши ҳалок бўлди. Мазкур воқеа Исроилга ижарага берилган Иордания ҳудудида юз берган. Полициянинг маълум қилишича, жиноятчи зудлик билан ҳибсага олинган. Ушбу жиноят 1994 йилда Иордания ва Исроил ўртасида имзоланган расмий ярашув битимидан кейинги энг жиддий ҳодисадир. Кузатувчиларнинг фикрича мазкур воқеа Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ҲАРБИЙ ОМБОРЛАР ЭГАЛАНДИ

ТИРАНА. Италия Бош вазири Романо Проди Албаниядаги воқеаларга баҳо бера экан, аини пайтда бу мамлакатга халқаро ҳарбий қўчларни олиб кириш асло тўғри келмаслигини таъкидлади. У мамлакатда тартиб ўрнатиш учун албанияликларни зудлик билан тинч музокаралар бошлашга чакирди. Энг сўнги маълумотларга қараганда, Албания пойтахтидаги тўқнашувлар оқибатида тўрт киши ҳалок бўлган. Айрим хабарларда эса, қўзғолончилар Тиранадаги қурол-аслаҳа ва ўқ-дори сақланадиган қарийб барча ҳарбий омборларни ишғол қилган.


А. ЛЕБЕДИНИНГ ФИКРИЧА...

МОСКВА. «Известия» газетаси Александр Лебедининг Россия -- НАТО муносабатларига доир интервьюсини эълон қилди. А. Лебедининг фикрича, шу йил ёзда Мадридда бўладиган НАТОга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида қадар Россия мазкур ҳарбий блок билан ўзаро муносабатлар ҳақидаги шартномани имзолашга улғурмасе, бу мамлакат учун сиёсий шармандалик билан баробардир.

УЗОҚ ТАНАФУСДАН СЎНГ...

ПАРИЖ. Франция ҳукумати тез қаратиланадиган нейтронлар асосида ишлайдиган дунёдаги энг йирик реактор -- «Суперфеникс»ни ишга тушириш ниятини маълум қилди. Франциянинг Аш теглари этагидаги Изер вилотида жойлашган мазкур реактор бор-йўти икки ярим йил ишлагандан сўнг, техник носозлик туфайли 1987 йилда тўхтатилган эди. Унинг қурилиши 34 миллиард франкка тушган. Шунча йилдан сўнг реакторни «уйотиш» гоёсининг пайдо бўлиши мамлакатда кўплаб норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Advertisement for 'ИПАК ЙЎЛИ' INNOVATION featuring text about a 1997 competition and prizes.



ХАЛҚ ХУНАРМАНЧИЛИГИ СЕХРЛИ ҚҮЛЛАР

Дурадгорлик - инсон бисотидаги нозик касбларнинг бири. Аммо урганчлик қўли гул уста Сафарбой Бегов уни аллақачон санъат даражасига кўтарган.

Оддий ёғоч ёки унинг парчаси Сафарбой аканинг сеҳрли қўлларида мукаммал сиймо ва тасвирларга айланади. Нозик дид ва кучли қизиқиш оддий дурадгорни пировардида ёғоч ҳайкаллар, ҳайкалчалар, полотно ва турли чолу асбобларини ясовчи моҳир ҳаррот санъаткорга айланадигани. У унган йиллар давомида у тарихий сиймолар, танкили замондошлар, ўзи билган, кўрган кишилари ва баъдий асар қаҳрамонларининг 500 дан ортик ҳайкал ва бюстларини, шунингдек, тасвирий лавҳаларни яратди. Вилоятнинг ақсарият таниқли соҳнада — гўнаҳларни ҳам унинг миқоз-муҳлислари ҳисобланишди. Негаки, энг сара ва жангдор рубоблар, тор, дутор, танбур, гижжак каби нозик мусиқа асбоблари унинг қўлида сайқал топади.

Шуниси қизиқки, С. Бегов ўзи яратган баъдий ижод намуналарини бирон-бир музей ёки кўргазмаларга сотиб, бойишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган. Ижод кўнгли эҳтиёжи. Шу боисми-кан, у тинмай ижод қилиб, янгидан-янг жозибали намуналар яратганига кўнгли таскин топади.

Истеълоли ҳаррот — санъаткорнинг бой ижодий фаолиятига халқаро «Олтин мерос» жағмараси вилоят бўлимининг эътиборидан четда қолмади. Вилоят ҳокими бўлим раҳбариятининг тақлифига кўра моҳир уста асарларини нақ ярим миллион сўмга сотиб олди. Одий ёғоч, гўла, ҳода, ҳатто чивчиклардан яралган «жонли сиймо»лар энди Урганч ва Хиванинг музей ва кўргазмаларини бежайди.

Бегов эса айна қуларда ўзбекона қиёфадаги янги «Бурғинчо»ларга жон бағишлашда давом этапти.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЁЛ — ДУНЁНИ ТЕБРАТАР



СИРДАРЕЎ САНАМЛАРИ

Сирдарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси Хожар Миржалилова оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, ижтимоий ҳимоялаш, аёлларимизга тадбиркорликда ёрдамлашиш кўмита фаолиятининг асосий дастурлари ҳисобланади, дейди.

Оқолтин туманидаги хўжаликларнинг бирида Маъмураҳон исмли бригадир аёл ишлари. Агар янгиликларимиз турмуш ўрғинининг исми Хомиджон эди. Улар ҳали тетапога бўлмаган ўғлини олиб бир туپ ёввойи жийда тагидаги тулрок сулпага кўчиб чиқашган. Хомиджон дам олганда трактор рўлига Маъмураҳон ўтирар, Маъмураҳон ўлига қараган маҳалда тракторни яна Хомиджон бошқарарди. Бу бригаданинг атига уч нафар аъзоси бор эди. Менинг ёлимга бир нарса муҳрландиб қолган. Саратон. Ёввойи жийда қўланқасидоғи бешик. Қўланқа қайси томонга силжиса бешик, иккита кўрпачага битта шолча ўша жойга кўчиб ўтади... Маъмураҳонни гўзал деб бўлмасди. Бироқ яқин ўртада бундай истараси иссиқ, тили ширин жувонни учратманман. Қўллари, юзлари қўшида қорайиб кетган бу аёл жилмайганда сиз ҳам беихтиёр унга қўшилди жилмайганингизни билмай қўларингизга.

Бизда «Эру хотин қўш хўки» деган нақб бор. Хомиджону Маъмураҳонларнинг бир-бирларига бўлган хурмати меҳрини кўриб мен уларни қўш қабутларга ўхшашган эдим. Париваҳ Фарғонани ташлаб чўлда туپ қўйиб палак ёлган бу оила ўша йиллари ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил кўтарди. Эри билан басма-басига трактор ҳайдаган, пахта терган бу аёлни қандай куч, қай бир илоҳий қудрат чўлнинг қоқ юрагидеда меҳнат қилишга мажбур қилди?

Чўл ўз номи билан чўл. Бир ҳамкасбим «Чўлнинг чивини чакса отни кишинатиб юборарди» деган жумла билан Мирзачўл сувратини чиқиб бергани. Бугунги кунда бу ерда кўчиб юрвчи қум барханлари йўқ, Тонти сукунати эндиликда қарвон кўнжроқларнинг жарани

бузмайди. Аммо Мирзачўлнинг нони қаттиқ эканини бу ердилар яхши билишади.

Ана шундай оғир шароитда Шароф Рашидов туманида меҳнат қилаётган Фотимахон Усмонованинг жасоратига ҳар қандай танги эркак тасанно айтмай иложи йўқ. Айрим бюрократ, раҳбарлар юрт манфаатидан ўз манфаатини устун қўловчи кимсалар қаршиликка қарамасдан бу аёл 300 бош қорамол парваришланаётган фермани хусусийлаштириб олди. Усмонованинг жуссасига қараб қиллардир «Тамом», бу аёл ташвишлар ичида йўқ бўлиб кетди» дея неча бор қаромат қилдилар. Бироқ Усмонова сингари аёллар ташвишларга, қийинчиликларга ҳеч қачон ён бермайдилар. Уларнинг ҳали айтар сўзлари, кўллари ёқа ўпаштага мажбур қилидан ушайлини тайин режалари бор.

Улистон туманидаги Усмон Носир номли жамоа хўжалиги фермери Раъно Изатованинг меҳнати бугунги кунда олиб келганлигига нима дейсиз? Бугунги кунда ховослик қиз-жувонлар тиккан зардузи дўппилар, палаклар, эшик ва дераза пардаларини кўрган кишини қўзи қамашади.

Сирдарёлик шоира Ҳасётхон Ортиқбосванинг шеърларини ҳеч ўқиганмисиз? Уларда Хўжамушкент булоқларининг шивирини, олис Андижон сойлари бўйида нозилиб ўсган райхонлар буйи, Чақир қишлоқ боғларининг салқини, фақат тонг палласи юракка таваллуд топувчи бегард орзулар нафаси уффуриб туради.

Фарангилар бирор-бир ноқуш воқеа тубига ётмоқчи бўлсалар «Аёлни излан» деган иборани тилга оладилар. Инглизлар эса шубҳа тузгирган аёлга нисбатан «У кредитини йўқотди» деган жумлани ишлатади. Узебклар эса «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» дейишади. Ҳар уччала муносабатда ҳалқнинг маънавийти, руҳияти акс этиб турибди. Узебклар баҳосида аёлнинг ҳаётимиздаги қадри, ўрни осмон қадар юксакка кўтарилган.

Мирзачўлда гўзал аёллар, лобар жувонлар, қошлари қамон, сўзлари асал санамлар бисёр. Бу аёлларни гўзал қилган, қадрини чўққига кўтарган синаот уларнинг ортиқ товукка эга хусусий фермасида ишнинг кўзини билиш нима эканини амалда кўрсатмоқда. Унинг 120 гектар майдонга сепган буғдой уруғи шу кеча-кундузда қоқил тараган гўзал қизлардай дуркун бўлиб ўсапти.

Ҳар аёлнинг, ҳар тугилган қақалоқнинг атрофида гиргитин булётган шифокорлар Мариям Хожиматова ва Маъмура Тошматоваларни вилоятнинг катта-кичиги оғиздан дам томиб тилга олади.

Сирдарё туманидаги оқила инсон Насиба Ашурматова Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб «Қизлар мактаби»ни ташкил этди. Бу мактабда қиз-жувонлар иғнага ип уқатишдан тортиб нон ёпишгача, чеварликдан бошлаб келин саломгача, ситир соғишдан тортиб фарзанд тарбиялашгача бўлган ҳаёт сирларини кўнг билан ўрганишмоқда.

Ховос туманида Назира Маҳкаматова исми тиниб-тинчмас бир аёл бор. У Бухородан туманга зардулик сирларини мукаммал эгаллаган мутахассис

гор, шўр ювиш, мавсумга шай турган техникалар. Қурилган ва қурилаётган бозору йўллар, ижтимоий, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, одамларнинг қайфиятидаги кескин ўзгаришлар ана шу кичик инқилобдан дарак бериб турибди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Сирдарёда инсон омилни, ерга муносабат, деҳқончилик маданиятига пайжа орасидан қараш, аёлларга бепайсал муносабат, уларга ишонмаслик сезилиб қолган. Бу ердаги раҳбарлар бир пайтлар Номозу Мангубердилар ёнида Тумарису Бибиқошимлар, Нодираю Увайсийлар юрт шарафини, эл номусини қиличу қалам билан ҳимоя қилганлигини, чўлларга сув чиқарганларини, буюқ ўғлонлар тарбиялаганларини «унутиб» қўйишганди.

Сирдарёликларнинг 1997 йилдан умиллари катта Кўксам эшик қоқётган, толлар бурта бошлаган, мушчалар тумшугида хас-чўп кўтариб янги ошён қуришга шойишгаётган, қор тағдан бинафшалар бош кўтараётган бир пайтда Мирзачўлни том маънода Мирзагулистонга айлантириш имкони нақд бўлиб турибди. Бу ажиб, бу узоқ кутилган ўзгаришлар фаслида Хомиджонлар ёнида ўнлаб, юзлаб, минглаб Маъмураҳонлар туришибди...

Уларнинг бири боғчада бола тарбиялеса, бири мактабда дарс беради. Бири хасталар дарига маъдам бўлса, иккинчиси ипак кўри боқди. Бири саҳнада қўшиқ айтади, иккинчиси шеър битди. Бири чевару бири баскатор, бири боғбон бўлса, бири эса қурувчи...

Мирзагулистон аёлнинг ақсарияти буғдойранг, бодомқовоқ, қўллари яшнаб туради. Бу аёлларнинг лаби зийда ҳамиша нимтабассум зоҳирдир. Уларнинг ҳар бири юрагидоғи юрта, фарзандига, эртани кўнга бўлган ишончан, ишқдан илҳомланиб яшайди.

Мендан ҳеч ким шамоллар гувилаб чармайди, ён жазирима, қиши бадини бесўроқ чимчиб олвучи бу юрт одамларининг бахти нимада, дех сўрамаган. Сўраганда эди «Юзи буғдойранг, ўзи бодом-қовоқ, қўллари яшнаб турувчи аёллар ёнида яшашнинг ўзи бахт» дея жавоб берган бўлардим.

Менинг дил изҳорим баланларвозлик кўчасини айланиб ўтади Кўнглимдаги меҳр ёлгон-яшиқ кўлмагидан сув ичмаган. Бу аёллар қадрини, баҳосини шу ерда яшовчи ҳар бир бепида белбоғи, юрагидега ўз қўшини бўлган одамлар белқарсақ бўлиб тасдиқлашларига имоним қомил.

Алиқул ХОНИМҚҮЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



МАЙИЗ КЎПАЯДИ

Шаҳрисабз туманидаги Гани Бобоев номли жамоав-ширкат хўжалиги меҳнатқиларни мева ва узум ештириш ва алоҳида эътибор бераётганлар. Улар Ҳисор тоғи этакларида барто этилган боғлардан ўтган йили 500 тонна мева, 860 тоннадан зиёд узум ештириб, эл дастурхонига тортиқ қилдилар.

Шунингдек, 10 тонна майиз ҳам қўртинди. Яна 30 гектар майдонда боғ яратишга аҳд қилган соҳибкорлар Наврўз арафасида ишни қизитиб юборишди. Боғнинг асосий қисмига эса майизбоп ток қаламчалари эскимоқда.

А. БОБОЕВОВ, Шаҳрисабз тумани

НАЗАР

Маҳкаматбой Эргашев Кўқон шахридаги Урмон-боғ маҳалласида почта-қабул бўлиб ишлайди. Етти йилдан ошдики, ҳали бирор киши хат-хабар ёки газетга-журналга кечиктириб беришганидан номизмаган.

Ноғирон ва кекса отахонларнинг дуосини кўр адоғи йўқ. Қани энди ҳалма алоқа бўлимиздагилар ҳам Маҳкаматбой сингари ўз ишининг масъулиятини дидан ҳис қилиб ишласа...

Иброҳим ОРТИҚОВ, 1-гурўх уруш ноғирони, Кўқон шахри.

«КИЧИК РАКЕТКА» УСТАСИ

Қишда нилуфар гулининг очилиши э. пимолдан йироқ. Лекин олтунчилик ёш спортчи қиз ўзининг чиққан уйилари билан муҳлислар кўзига гулдай кўрингани рости.

14 ёшли Нилуфар Сотволдиева номи мамлакатимиз спорт ишқибозларига тобора манзур бўлиб бораёттир. Нилуфар Республика терма жамоасининг аъзоси. Утган йили у Осиё чемпионатида яхши кўрсаткичларга эришганди. Нилуфар яқинда Ашхобда ўтказилган халқаро учрашувда 32 нафар «кичик ракетка» усталари беллашувиининг финалида туркменистонлик Майсара Саидовани доғда қолдириб, мутлоқ гоябликни қўлга киритди.

Обиджон БЕРДАЛИЕВ, Олтиариқ тумани.

ТРИЦАТЬ ПЛЮС

Бардам ва тетиқ бўлишиниз учун



Шаҳар дорихоналаридан сўраг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мақолиси Раҳбарияти ва Қотибияти Олий Мақолиси Қотибияти сектор мудирини 3. А. Саидованинг асно.

Ками САТТОРОВАнинг нафот эътиборини муносабати билан чўқур ҳамраҳлиқ ишқор этиди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболли белгилаш ва статистика давлат кўмитаси жамоаси Қашқадарь вилояти ҳокимининг ўринбосари — вилоят истиқболли белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи Ғазо НАСИМОВнинг

беиак одамдан эътиборини муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур тазани билдиради.

Тошкент давлат иқтисодий университетини раҳбарияти Фалсафа кафедрасининг доцентини Искандер САДУЛОВнинг нафот эътиборини муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур тазани билдиради.




«Самарқанда-Прага»

қўшма корхонаси ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.

Манзил: Самарқанд шахри, Озод Шарқ кўчаси, 2. Телефонлар: 31-24-04, 33-75-07.

Халқимизнинг муборак айём ва ҳайитларида, айниқса, ҳар баҳор Наврўз кунларида хонадонингиз ва дўстлар даврасида ёзилажак дастурхонингиздан корхонамизда тайёрланаётган маъданли сувлар ва ҳар хил шарбатли ичимликлар билан қўним топаётганимиздан фахрланамиз. Халқимизнинг келажаги буюк! Ана шу олий мақсад йўлида олиб борилаётган ишларда халқимизга эзгу тилаклар йўлдош бўлсин!



ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО



# БИР КУЧОҚ ТУЛ

(Хоразм оҳангларида)

Келганда бир турли бўлиб келамиз.

Ҳозир жийдаларнинг узлари мажнун,  
Бир кун келиб мева тугмоқ таъмаси.  
Ақли етганида бўлган гапларга  
Қизариб кетади ҳали ҳаммаси.

\*\*\*  
Қонлиғ ёвнига ҳам курсатмасин ҳеч  
Севганингини бошқа билан тўйини.  
Озгин кулиб турар, юрагини айлар,  
Тўй эмас, бундай тўй «тўй-тўй» ўйини

Севган ёринг сени ростдан ҳам сева,  
Бундай ўйинларга бўйин бўлмай.  
Қимга не ёмонлик қилганим, ахир,  
Худойим, шундай ҳам «ўйин» бўлами?!

\*\*\*  
Сенинг кузганларинг гул эди, ёрим,  
Гулингни опанлар юлиб кўйилти.  
Ичкарига қамаб, қулфлаб устингдан  
Қайси қўли мажруҳ илиб кўйилти.

Кунлар ўтаёттир сепдан мосуво,  
Осмоқларнинг ҳамма бўлти менда.  
Устингдан илганинг не фойдаси бор,  
Юрагинг қулфининг қалти менда.

\*\*\*  
Мажнун юрагининг ёнганларига  
Менинг юрагининг савоби тенгдир.  
Намоз ўқиганини савоби билан  
Ёрни бир қўрғанинг савоби тенгдир.

Худойимнинг ўзи бераверади  
Ёрни қўрмаганинг жазоларини.  
Намоз қазосини ўқиса бўлар,  
Ўқиб бўмас дийдор қазоларини.

\*\*\*  
Дарё — жоним. Минг-минг йиллардан бери  
Едириб — кийдириб оққан учун.  
Ўзимни кўзимга суртгим келади  
Сендек нозанинга ёққан учун.

Сенга ёққанымдан ҳар куним — баҳор,  
Ҳар лаҳзада тошиб, ҳар дам тўламан.  
Мендан ноғоҳ бир кун кўнглинг

Дарёси қуриган юрдай бўламан.

\*\*\*  
Юрақларим зада сени соғиниб,  
Қўлим сенга хатлар ёзиб ҳарийди.  
Тўрт-беш кўзи қаро йиғналган ерда  
Кўзим олма териб сени қарийди.

Қани бир йўлиқсанг... чидаб бўлмайди  
Гулим, айрилиқнинг ному-орига.  
Юз йил етиб еса, тўяр Хоразм  
Кўзларимнинг терган олмадарига.

\*\*\*  
Сен ўзинг шодликсан, шодлигим,  
Ўзинг изтиробсан шахсан.  
Сен билан келмас бахт. Билиб қўй.  
Сен ўзинг — бахтсан.

Кўзларинг тўла ўй, севгилим,  
Ўйлама мени, қўй, севгилим.  
Сен билан юрагим тўла гам,  
Юрагим тўла тўй, севгилим.

Лайлидан қолган бу муҳаббат,  
Мажнундан қолган бу муҳаббат.  
Сен кетдинг. Улмамид. Авф эт.  
Наҳадар ёлгон бу муҳаббат.

\*\*\*  
Гапимга кун, гулим, жоним,  
Сен билан кўнглим, жоним.  
Илтисо қиламан. Очил.  
Бир ўзинг ўн гулим, жоним...

Матназар АБДУЛҲАКИМ



## ЭЛ ХИЗМАТИ ҲОРИТМАСИН

Шафоат Каримованинг туғруқхонада ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. Шу давр мобайнида у неча минг чақалоқни йўрақламади, неча минг ота-онанинг қувончига шерик бўлмади, дейсиз. Бугун Деновда Ш. Каримовани танимайдиган аёл, унинг меҳридан бебахра онанинг ўзи йўқ.

Ун фарзандим, ўттиз олти неварамнинг меҳридан дояси, ширинсухан шифокор Шафоатхон Каримова яна кўп йиллар халқимиз хизматида бўлсин, деб тилак билдираман.

Хуррам ЁҚУБОВ,  
пенсияер, Денов тумани.

## МЕВАЛИСИГА НЕ ЕТСИН

Бозорларимизда мева-чеваганинг нархи кун сайин ўзгариб турган бир пайтда, шахримиз қўчаларию хибонларидаги мева-сиз дарахтларга қараб ўйга толаман.

Хибондан ўтиб кетаялсиз, дейлик. Беҳнинг хушбўй ҳиди димоғингизга урилади. Ўзиб, оғзингизга солмасиз, лекин унинг муаттар бўйи асабингизни тинчлантиради. Кўнглингизни равшан этади.

Ҳарқалай дарахтнинг мевалиси яхши-да. Айни кунларда ҳамма жойларда кўчат экин авжида. Шундай экан, бир кун келиб мевасидан баҳраманд бўламиз десанг, бугун дарахт экайлик. Бу ишга ҳаммамиз бирдек киришсак, бозорларимизда ҳам мева-чева арзон ва тўқин бўлиши шубҳасиз.

Ҳабибулло МУҲСИН ўғли  
Тошкент шаҳри.

## Ўқума

## «ҲАШАРЧИ» ТЕЛЕФОНЛАР

Телефонимиз рақамини алмаштириб беришганда беҳад қувонган эдик. Афсуски... Зарурат туғилиб «тес ёрдамга» қўнғироқ қилгудай бўлсангиз, нариги ёқдан суҳбатни энди «қўр» олган аёлларнинг шангир-шунгури асабингизга тегади. Ёки болаларимнинг «аҳволингиз дурустми», деган безовта овозини яна ўша ёқдан келган; «тубкани қўйиб туринг», деган буйруқ узади-қўяди.

Буям майлику-я, ярим кечада нотаниш аёлларнинг сим қўқошларини айтмайсизми?

Қошки эди, бизга ажратилган 55-55-65 «ҳашарчи» телефон рақами ҳангомалари Миробод тумани АТС ходимларининг қўлоғига ҳам етиб борса...

Қодир ИСҲОҚОВ  
1-гурӯх ногирони, меҳнат фахрийси.



Зомин туманидаги Қудуқча қишлоғида янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Унинг «Узагрокурлиш»нинг Зоминдаги 72-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари бунёд этишди.

Замонавий талабларга жавоб берадиган ушбу тиббий масканнинг қурилишига 10 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди. Пункт керакли тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Бугунги кунда бу ерда физиотерапия, геникология, терапия, муолажа хоналари ва 5 кишига мўлжалланган кундүзги бўлим ишлаб турибди.

СУРАТДА: ҳамшира Дилором Эштемирова.  
Б. ТўРАЕВ (ЎЗА) тасвирга олган.

## МОДА БАЙРАМИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Баҳор-ёз -- 97» модллари номойиш қилинди. Уни Ўзбекистондаги «М. А. Компания» ихтисослашган фирмаси Тошкент халқаро хотин-қизлар гуруҳи ҳамда Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ёрдамида ташкил этди.

Театрлаштирилган томоша шаклида ўтган бу кўрикда трикотаж кийимларни тақдим этган Республика моделлар уйи, «Юлдуз» фирмаси, бошқа тикувчилик корхоналари, кийим-кечак салонлари, хусусий коллекциялар эгалари иштирок этди. Республикамиз ва Қозғистон моделчилари ҳам ўз ишларини кўрикка тақдим этдилар. Томошабинлар баҳор-ёз мавсумига мўлжалланган кундалик кийимлар, тўй либослари ва оқшом кийилладиган куйлақлар, эркаклар костюмлари, одағлаги ва янгича трикотаж буюмлар, чарм маҳсулотларни томоша қилдилар. Фолибларга ҳомийларнинг совринлари топширилди.

Бундай мода байрамларини ҳар йили ўтказиш назарда тутилмоқда.

(ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 18 мартдан бошлаб ҳисоб ва боқхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгиледи: \*)

1 Австралия доллари	46,22	1 Канада доллари	42,49
1 Австрия шиллинги	4,86	1 Хитой юани	6,99
1 Англия фунт стерлинги	92,74	1 Кувайт динори	191,01
10 Бельгия франки	16,58	100 Ливан фунти	3,76
1 Голландия гульдени	30,40	1 Малайзия рингити	23,42
10 Греция драхмаси	2,18	1 Германия маркаси	34,20
1 Дания кронаси	8,96	1 Норвегия кронаси	8,47
1 БАА дирхами	15,79	1 Польша злотийси	18,84
1 АҚШ доллари	57,98	10 Португалия эскудоси	3,41
1 Миср фунти	17,12	1 Сингапур доллари	40,47
1 Ирландия фунти	90,59	1000 Туркия лираси	0,46
1 Исландия кронаси	0,81		
10 Испания песети	4,03		
100 Италия лираси	3,43		

1 Финляндия маркаси	11,46
1 Франция франки	10,14
1 Швеция кронаси	7,48
1 Швейцария франки	39,78
1 ЭКЮ	66,33
10 Жанубий Корея вонни	0,66
1000 Япония иенаси	4,69
1000 Россия рубли	10,17
1 Украина гривнаси	31,71
1000 Беларусь рубли	2,45
1 Эстония кронаси	4,57
1 Латвия лати	99,62
1 Литва лити	14,50
1 Қозғистон тенгеси	0,77
1 Қирғизистон сомни	3,32

\*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# "ЗАРАФШОН-НЬЮМОНТ"

## қўшма корхонаси

# НЬЮМОНТ (ЎЗБЕКИСТОН) ЛТД

Ўзбекистон халқини баҳор байрами —  
Наврўзи айём билан қизгин ва самимий  
табриклайди!

Барчангизга оилавий бахт-саодат, шоду-  
журрамлик, фаровонлик ва муштажам  
саломатлик тилаймиз.

Сизларга республика раванқи йўлида амалга  
оширилаётган ижтимоий-иқтисодий  
ислохотларда улкан зафарлар тилаймиз!



МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодий 36-36-65;  
Маънавий 36-35-60;  
Тули муҳарририят 33-10-28;  
Эъланлар 36-09-25, Вахш 33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — И. Худойров.  
Навбатчи — Қ. Бойхон қиз.  
Мусахҳах — А. Худойқулов.